да, полотенце, другие бытовые принадлежности. Диета должна быть легко усвояемой, не раздражающей, преимущественно молочно-растительной, богатой витаминами, рекомендуется жидкая пища. Полезно также обильное питье - теплый сладкий чай с лимоном, ягодными сиропами, минеральные воды и подогретые фруктовые соки. Антибиотики применяются в более тяжелых случаях. Наиболее эффективными являются антибиотики пенициллинового ряда - бензилпенициллин, оксациллин, биохиноль.

Сульфаниламидные препараты при ангине малозффективны. При противопоказаниях при антибиотикотерапии рекомендуется применять аэрозоли диоксидина, ингалипта, каметона 3-4 раза в сутки и в течение 5-7 дней. Местно хорошо применять тепло в виде сухой ватно-марлевой повязки, согревающих компрессов в области шеи. Для полоскания носоглотки назначаются теплые отвары шалфея, ромашки (1 ч.л. на 300 мл кипятка), при фолликулярной и лакунарной - теплыми растворами хлорида натрия, перекиси водорода, фурацилина, борной кислоты гидрокарбоната натрия, этикридина лектата. Полоскание производят 3-4 раза в день, пос-

ле приема пищи. В зависимости от выраженности тех или иных симптомов при ангине назначаются болеутоляющие, жаропонижающие и спазмолитические средства.

**Как предупредить ангину?**

Для этого в первую очередь необходимы общие оздоровительные мероприятия, способствующие укреплению организма и делающие его устойчивым по отношению ко всякого рода вредно действующим факторам внешней среды. Сюда относятся, например, соблюдение санитарно-технических условий труда, профессиональный отбор, учет, диспансеризация часто болеющих ангиной. Каждому человеку необходимо соблюдать личную гигиену и мероприятия по закаливанию организма.

Рекомендуются также проводить мероприятия по лечению заболеваний верхних дыхательных путей, которые способствуют возникновению ангины (например, хронического тонзиллита, гнойного гайморита, аденоидов, кариозных зубов). Ну и последнее - необходимо избегать контакта между больным ангиной и здоровыми, особенно детьми, так как они очень восприимчивы к этому заболеванию.

**Лариса БУНИЧ, врач-методист Ташкентского филиала Института здоровья.**



Физкультура и спорт — надежные помощники

## СОВЕТЫ РОДИТЕЛЯМ

**Родился человек... Какой след оставит он в жизни, как сумеет развить свои способности, что доброго, полезного принесет людям?**

Все это во многом зависит от вас, папы и мамы, бабушки, дедушки, от той нравственной атмосферы, обстановки, которую встретит будущий человек в вашей семье. Сейчас, когда он, ваш ребенок, так мал и беспомощен, так нуждается в ежедневной заботе, уходе, ласке, его будущее в ваших руках. Пестуя малыша, играя с ним, улыбаясь ему, вы с самых первых дней лепите его характер, формируете его отношение к жизни. И очень важно при этом помнить, что все усилия, благородные стремления воспитать ребенка деятельным, жизнелюбивым, добрым и отзывчивым не принесут должного результата, если вы не сумеете вырастить его здоровым. Конечно же, вы к этому стремитесь, заботитесь об этом. Но умеете ли делать все так, как надо? Ведь воспитать здорового ребенка не так просто! Тут мало лишь одной заботы, одного стремления. Нужны знания, умение, последовательность и терпение. Последовательность и терпение... Они даются особенно трудно. Еще только готовясь к встрече с малышом, вы, полагаем, уже утвердились в намерении растить, воспитывать его правильно, так, как рекомендуют врачи, книги. Надеемся, что и наши советы помогут вам закрепить необходимые представления и пополнить знания. Неуклонное следование этим советам потребует от вас подлинной самоотверженности. И как бы ни было вам трудно, как бы ни вы не уставали, как бы ни хотелось вам временами дать себе послабление, на день-другой отложить, например, гимнастику или массаж - не отступайте! Усилия ваши воздадут сторицей. Ваш сын или дочь, внук или внучка будут меньше

болеть, легче преодолеют все трудности роста. Хорошее здоровье, ровный, жизнелюбивый характер, сообразительность малыша умопоможат ваше счастье.

Если в первые годы жизни малыша вы сумели приучить его к правильному режиму, закаляли его, если он здоров и жизнелюбив, ваша задача облегчается. Нужно будет лишь последовательно продолжать начатое. Но и в этом случае, если вами что-то было упущено, не отчаивайтесь. Все еще можно поправить. Только не откладывайте дела в долгий ящик. Каждый упущенный день - урон и здоровью и воспитанию. И не заблуждайтесь - ваш подросток малыш требует не меньших забот и усердия, чем в первые годы жизни, не меньших знаний. Дети учатся жизни, играя. Именно в играх, прежде всего, вступают они в сложные взаимоотношения со своими сверстниками, учатся выручать товарища, уступать слабому, выявляют свои возможности: ловкость, смелость, смекалку. Не относитесь к детским играм как к чему-то несерьезному. Предпочитайте (в разумных пределах, конечно!) подвижные игры тихим.

Трехлетний человек уже многое умеет сам - сам одевается, ест, сам убирает свои игрушки. Вас все чаще ставят в тупик его бесконечные «почему», он жадно тянется ко всему новому, как губка, впитывает новые впечатления и очень подвижен. Ваш малыш становится взрослее. Каждый день вы с радостью отмечаете, как он растет, развивается. Временами вам даже кажется, что он подвижен сверх меры. Но не торопитесь категорически ограничивать потребность малыша в движении «сиди смирно», «не лазай», «не бегай» и т.д. Старайтесь направить эту подвижность в нужное русло, использовать ее для формирования жизненно необходимых навыков, укрепления здоровья и, конечно же, для воспитания. Физкультура вам в том верная помощница. Ребенку 4 лет

и старше доступно уже и освоение элементарных спортивных навыков. Пусть он учится ходить на лыжах, кататься на коньках, плавать. Поддерживайте тесную связь с людьми таких профессий: врачами, специалистами местного физкультурного диспансера, с воспитательницами яслей и детского сада, где находится ваш ребенок.

Бытует иногда мнение, что маленький человек только готовится к настоящей жизни. Это неверно. Ребенок живет! Полно, насыщенно, со всей отдачей сил. И если вы хотите украсить его детство, дать ему незабы-



ваемые, яркие впечатления, не лишайте маленького человека радости переживаний, которое несет с собой физическая культура. Даже в тех случаях, если в организме, физическом развитии вашего ребенка в силу тех или иных причин возникнут какие-либо отклонения - правильный режим дня, закаливание, физические упражнения, массаж помогут вам устранить их, свети на нет их отрицательные последствия.

Следующим важным периодом в жизни является школа. Еще вчера он мог играть и резвиться едва ли не весь день. Сегодня несколько часов проводит за партой, дома за столом, напрягает внимание, память. Ме-

няется режим маленького человека, возрастает для него ценность времени как такового. Недостаточность движений - вот злейший враг школьника! От нее страдают мышцы, кости (искривляется позвоночник!), страдают нервная система и внутренние органы. И если не объявить недостатку движений решительный бой, общее развитие ребенка затормозится, состояние здоровья ухудшится, возникнут предпосылки для появления различных заболеваний. Он и учиться будет хуже, сколько бы ни старался. Не уповайте только на школу! Она дает детям много, однако и роль родителей огромна. В школьные годы человек обогащается немалым багажом разнообразных знаний, бурно развивается как личность со всеми ее сложными взаимоотношениями с окружающим миром. И осуществление этой многотрудной работы едва ли может быть успешным, если ограничить столь присущую детям потребность в движении. Двух уроков физкультуры в неделю ребенку мало, чтобы утолить эту потребность. Поэтому не упустите следить не только за выполнением домашних заданий, но и за тем, чтобы школьник больше бывал на воздухе, больше двигался. Учите его экономно, с пользой расходовать время. Став взрослее, маленький школьник уже самостоятельно сможет выполнять все, что прочно усвоил с вашей помощью.

Школьная пора - пора начала серьезных занятий спортом. Помогите ребятам найти их спортивное призвание. И не препятствуйте стремлению стать спортсменами. Оно не повредит учебе, как, возможно, вы опасаетесь, напротив - поможет вашему сыну или дочери в их гармоническом развитии. Не мешайте стремлению юношей и девушек к самостоятельности, к выбору своего жизненного пути, умейте тактично направить его и следите, чтобы в увлечении новой, взрослой жизнью ваши сын или дочь не пренебрегли

физкультурой, не бросали спорт или начали заниматься им, если не делали этого раньше.

Забываясь о физическом воспитании своих детей, не забывайте о силе личного примера. Если до этого вы были далеки от физической культуры и спорта, пусть первым шагом для вас будет желание сделать утром первым зарядку, завершить ее водными процедурами - обливанием, душем, заставьте себя провести выходной день на спортивной площадке, на пляже, в туристическом походе. А еще лучше выполнять все это не одному, а всей семьей. Возможно, все это окажется не так легко. Но проявите настойчивость - и дальше будет легче. Постепенно вы почувствуете вкус к занятиям физической культурой, спортом, конечно в той мере, в какой они доступны для вас. Затем эти занятия незаметно станут привычкой, необходимостью, радостью. Той радостью, которую дают хорошее самочувствие, духовная и телесная бодрость, готовность к учебе, к творческому труду.

Помните - вам трудно будет воспитать своих детей понастоящему здоровыми и крепкими, привить им любовь к физической культуре и спорту, если они не увидят в вас достойного примера. Физкультура и спорт послужат вам во благо не только тем, что еще больше разовьют, закалят тело, повысят работоспособность, но и укрепят волю, явятся великолепным средством самовоспитания. Ежедневные систематические занятия помогут бороться с собственными слабостями, преодолевать себя.

Возможностей много - нужно только иметь желание ими воспользоваться!

Нет человека на свете, который не хотел бы сохранить и приумножить здоровье, бодрость, молодость и собственные, и своих близких людей.

**В. БУБЕКЕНОВ, врач Республиканского института здоровья.**

# Дилдан сўхбат «МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ»



Санъатда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган, кўшиқларида ишқ сурури, Оллоҳга, Ватанга садоқат руҳи ва ота-она эҳтироми, ёр васфи, меҳр ва муҳаббат ила сўғрилган гўзал наволари билан бора бир қалбга жон бахшида эга оладиган, дилга яқин «Толполмассан», «Дўст бўлайлик», «Ишқни деб», «Қарвон кўп, ризки бўлак», «Узингсан», «Узинг уйла, ўзинг топ, ўзинг югур, ўзинг чоп», «Муҳаббат», «Дўстинг бўлса» сингари бири-биридан гўзал, қалб торларини чертувчи кўшиқлари сизни ўзига асир айлаши шубҳасиз. Ана шундай бетақдор овоз соҳибаси бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Сулаймонова газетамиз меҳмони. Келинг, у киши билан бўлиб ўтган ажойиб сўхбатимизни эътиборингизга ҳавола қилсак.

– Санъат майдонини осонликча забт этиб бўлмайди. Унинг ҳам ўзига яраша қийинчилик ва мураккабликлари бор, албатта.

– Менимча, ҳар бир касб бу ишқ, санъат – кураш майдонидир. Бу майдонга эса шукроналик ила барча тўсиқлардан, қийинчиликлардан мардонларча ўзига ишонган, яъни ўзининг меҳнати, ҳаракати ила «МЕН-и бор инсонлар забт эта олади. Ҳаёт синовлардан иборатдир.

Ишқдир абадийлик авжидида офтоб,

Ҳаёт чаманида толейдан хитоб,

Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,

Ишқ нола қилмаслик бўлсанг юз хароб.

– Демак, оиладаги асосий муҳит маълум маънода, сизни ўзига шоғирт қилиб тарбиялади, шундай эмасми?

– Санъатсиз инсон ваҳшийдир дейишади. Мен ҳарбий-педагог оиласида катта бўлганман. Гарчи отам ва онам санъат соҳасидан бўлмасаларда, санъатга қизиқишлари жуда катта эди.

Меҳр нури ёғар доим юзингиздан устозлар,  
Юрсам дейман, бу табаррук изингиздан устозлар.

Менинг биринчи устозларим ҳаётим пойдеворини қўйган (жойлари жаннатда бўлсин) ота-онам. Колаверса барча устозларимга бош эгаман ва уларнинг олдида ҳаммиша қарздорман. Чунки «Устоз отангдек улғу».

– Танқид бор жойда ўсиш бўлади, танқидсиз ҳеч ким ўз келаганини бунёд эта олмайд.

Санъаткор сифатида танқидга муносабатингиз қандай?

– «Танқид келажак меваси». Фикримча ҳар бир инсоннинг ўз дунёқараши бор. Наздимда ҳар бир инсон ўзига танқидий кўз билан ёндоша олиши керак. Тўғри асосланган танқид турли жаҳада инсонни ҳар томонлама ўсишига ёрдам беради.

– Гулбахор опа, санъаткор сифатида қандай инсонларни қадрлайсиз ва ҳурмат қиласиз?

– Оллох гўзаллиқни севувчидир. «Беш қўл баробар эмас», деган ибора бор ҳалқимизда. Ҳаётимда ҳар бир инсон ва уларнинг қилган ишларида гўзаллиқни кўргим келади. Имомни, яъни ҳурчлиқни, тўғри ва бировсўзликни, фидойилиқни, мардликни, ҳаллоқлиқни, камтарлиқни, одамлиқлиқни, ўзини ҳурмат қилиш фазилатларини ҳаммада кўргим келади.

– Инсон соғлиғини ниҳада деб биласиз?

– Инсон соғлиғини биринчи навбатда иродасининг мустаҳкамлигида, барча инсонларнинг тинч-хотиржам яшашида, жамиятда барча ўзининг олдида (майлида қийинчилик билан бўлса ҳам) қўйган мақсадларига етишишида, деб ўйлайман.

– Халқимизда санъаткорнинг фарзанди санъаткор бўлади, деган гап юради.

– Гапингизда жон бор, нафақат санъаткор, ҳар бир касб эгасининг фарзанди, шу касб эгаси бўлиб туғилади. Мустақил юртимнинг фарзанди менинг назаримда шунча касб эгаси бўлишини хоҳлайман, унда барча соҳалар муҳассамланган бўлсин. Нафақат йигитларга, балки қизларга ҳам қирқ хунар оз бўлиши шарт. Менинг санъат йўлида тутаётган шiorим: «Ўзинг уйла, ўзинг топ, ўзинг югур, ўзинг чоп». Она юртимнинг фарзандларини бурчи, камолотли, етук муҳаббатли инсон бўлишини ўзининг саъй-ҳаракатларимда деб биламан. Ҳар бир инсон ўз касбининг санъаткори бўлиши керак.

– Шифокорлар меҳнатига бўлган эътиборингиз?

– Менинг шифокорларга эътиборим беқийбдир. Ҳеч бир инсон йўқки, ҳаёти давомида шифокорларга мурожаат қилмаган бўлса.

Мен сиздан даво топдим,  
Жонга-жон шифокорлар,  
Мақсади саломатлик,  
Фидокор, меҳрибон шифокорлар!

Шифокор ҳам ўз ишининг санъаткори, санъаткор эса ўз ишининг шифокоридир. Мана шу тўртлик менинг назаримда ҳар бир инсоннинг шiorи бўлсин. Шифокорларга бўлган эътибор, нафақат «Сихат-саломатлик йил»-да, балки бутун умр давомида бўлиши лозим.

– Юртимизда байрам шукҳи кезаётган бир пайтда, халқимизга тилақларингиз.

– Юртимиз мустақил бўлгандан буён, кун сайин эмас, соат сайин жаҳонга юз тутмоқда. Ҳар биримизнинг ишқий шiorимиз: «Оллоҳга бурч! Ватанга бурч! Ота-онага бурч! Ойлага бурч! Ишга бурч! Муҳаббатига бурч! Барча инсонларга бурч!». Тансиҳатлик, хотиржамлик, битмас-туганмас бойлик, омад ҳар бир инсонга ёр бўлсин!

Жаннат экан, оталар ва оналар оёғининг остида,  
Зеро, Боғи-Эрамга тўлар бўлсин изимиз.  
Тоза севги ва имон нафосат, нур устида  
Ушал гўзал бехиштни, яратайлик ўзимиз,  
Ўзимиз ва яна ўзимиз!

Сўхбатдош:  
Фотима ХУЖАЕВА.

## Умидли юлдузлар

# СПОРТ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ

Ҳаёт қизиқ! Унинг яратувчилари янада сирли, умр мазмуни бол каби тоғли ва завқли онларда кўнглимиз яна нигоҳида бир олам орзу-ҳавас, иштиёқ алангаси ловлов ёнаётган, беғубор юрагида хали совуб улгурмаган покиза ниятлари, туну кун ҳаёлида тоғдек юксак ишонч ва тинимсиз чарх ураётган изланувчан талаба-ёшларимиздан бири ҳақида ҳикоя қилмоқликка изн берди.

Мақоламиз қаҳрамони Гулираъно Рахимовани кўрганлар беихтиёр спортчилар оиласига мансуб бўлса керак, деб ўйлашлари табиий. Чунки, суратлардаги жараёнлар-у, қўлга киритилган фахрли ўринлар юқоридаги фикрларимизга шубҳа қолдирмайди. Аслидачи? Аслида ҳам шундаймикан?



– Йўқ, спорт билан бирга нафас олиш бу менинг қизиқишларим, иккинчи даражадаги машғулотларимдир, – дейди Г. Рахимова. – Асосий пойдеворим эса Тошкент шаҳридаги П. Ф. Боровский номли тиббиёт коллежи билан уйғун ҳолда мустаҳкамлашиб бормоқда. Сабаби, оиламиздаги муҳитнинг яхшилиги мени кўп нарсаларни билишга, қизиқишга ундади. Отам бокс бўйича спорт мастери, онам эса соғлиқни сақлаш музейида экспозиция бошлиғи, энг муҳими бувим Холлада Ганиева олий тоифали врач. Ешлудларим мен буюмларининг уйига тез-тез бурча турардим. У кишининг қилган ишлари, тиббиётта оид суратлари ҳамда фахрий ёрлиқларини кўриб, келгусида буюм сингари шифокор бўлишни дилимга турдим. Ниятим ҳолис экан, тиббиёт коллежининг «Ҳамширалик иши» бўлимида ўқиш насиб этди.

– Биламиз, тиббиётнинг йўли сермашқат. Уни эгаллаш учун чинакамга жасорат ва меҳнат керак бўлади. Лекин сиз ҳали бу йўлнинг биринчи погонасида турибсиз. Ваҳоланки, спорт бўйича қўлга киритган ютуқларингиз маълум маънода чемпионлик шохсўласидаги маликасини кутаётгандек. Бу борадаги ҳаракатларингиз эса анча самарали.

– Ҳа, албатта. Мақтаниш эмас, спортнинг қўл жанги бўйича кўпгина муваффақиётларни қўлга киритдим. Мана «Динамо» спорт клубига келиш, шу ерда қўл жангининг янги сирларини ўрганаётганимга ҳам етти йилдан ошиб қолди. Оиламизда дадам ва акамнинг доимий равишда спорт билан шугулланишлари мени ҳеч ҳам бефарқ қолдирмасди. Айниқса, қизлар боксига иштиёқим кучли эди. Лекин ойим кўпроқ тез боланинг рақўса бўлгани яхши деб орзу қилардилар. Ҳаммаси учун ҳаракат қилдим. Олдимга қўйган мақсадлар сари астойдил курашдим. Бирок, спортдан бир дақиқага ҳам ажрала олмаслигимни тушуниб етдим. Ҳақиқатда спорт бу – соғлиқ гарови. Бир неча байрамларда устозларим ўргатган машғулотлар билан катнашдим. Республикада Кикбоксинг бўйича ўтказилган чемпионатда фахрли 1-даражади диплом билан тақдирландим. 2003 йилда ўтказилган Наврўз байрамига бағишланган «Жанговор ўзбек кураши» чемпионатида ҳам 1-ўринни эгалладим. Ушандаги ҳаёжонимни курсангиз эди. Муқофотларни қўлимга олган эканман, устозим Аҳликам Рашидовдан олган бил-дилларим меҳнати бесамав кетмаганини ҳис этдим. Ақсарият вақтинми спортга бағишлайман.

– Спорт билан шугулланиш, усиз ҳаётини тасаввур эта олмаслик ҳамминанг ўз қизиқиши ва интилишига боғ-

лиқ, Лекин келажакда тиббиётнинг одами эканлигингиз, умуман ўқишнинг мураккаблиғи, бошқа муаммолар, буларнинг барига қандай вақт ажратасиз?

– Инсон умри қимматли, ганиматли. Уни тўғри сарф қила олиш эса ҳар биримизнинг ўзимизга ҳавола. Шундай экан, қилаётган ишларимни маълум бир режа асосида амалга ошираётганим учунми, эҳтиمول бу менга билинмас. Ўйлаб қарасам, барчасига улғуриш мумкин экан: уйқудан уйғониб, даставвал спорт билан шугулланаман, сўнгга коллежда тенгдларим катори тиббиётнинг сеури синоатларини ўқиб-ўрганиб, кириш ишга, жажи шогирдларим олдида шошиламан. Ҳуллас, яна оилам даврасига, ота-онамининг баъзи юмушларига ёрдамлашиб ўзини вақт ажратаман.

– Қизик, ўқишдан ташқари, давлат ишларида фаолият юритиш... Ҳали ёш бўлсангиз ҳам, кўпчиликка бош экансизда?

– Кўпчилик хайрон қолади. Болаларни севганим учун пойтахтимиздаги 28-сонли мактабгача тар-

тозларнинг талабаларга эътибори қай даражада?

– Яқиндагина республикамиздаги 14-болалар шифохонасида амалиёт ўтаб кайтган, тиббиётнинг ҳақиқий магзини англаб етдим. Коллеждаги ақсарият билимлар назарий олиб борилади, уни таъбиқ этиш учун амалиётнинг ўрни катта экан. Коллежимизда ўқиб, етук қадр даражасида таҳсил олиш учун барча шароитлар етарли. Ўқув тизимлари замон талаби даражасида, техник ўқув жиҳозлари билан таъминланган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун сизда интилиш ва иштиёқ бўлса, бас. Тўғриси, ўқиш давомида шифокорлик оғир касб эканлигини балки, биз ҳис этмаганимиз. Лекин ўтказилган амалиёт бизда катта мактаб вази-фасини ўтади. Шифохонада биз бевосита беморлар билан мулоқотда бўлиб, жарроҳлик ишларида иштирок этдик. Билмаганларимизни кўриб, ўрган-дик, тажрибаимизни оширдик десам хато бўлмайди.

– Демак, инсоннинг ҳаётига етук, билимга ташна талаб билан кириб келиши маълум маънода оиладаги тарбияга ва устозлар меҳнатига боғлиқ.

– Устозлар меҳнати ҳар қачон таҳсинга сазовор бўлган. Ақмал Икомов туманидаги 102-мактаб мен учун илк илм ўчоғи ҳисобланган. Мақтанишим лицейлашгани учунми, у ерда билимлар каттиқ ва доимий директор назорати остида амалга оширилди. Мени шу даражага етиб, камол топишмида мактаб директори Асомовта Маърифат оланинги меҳнатлари беқийб бўлган. Ўқиш давомида у киши мени илмга бўлган қизиқишларимни орттирди. Билим олишимиз учун барча шароитларга имконият яратиб бердилар. Мақтанимизда спорт билан боғлиқ бирор-бир тадбир қикиб



бия муассасасида қўл жанги бўйича кичик гуруҳ ташкил этганман. Мақсадим, биринчи галда болалар соғлом бўлишини ва ўзларини, юртларини ҳар қандай хавф туғилиши мумкин бўлган ҳолатлардан ҳам ҳимоялай оларлар, шунинг ўзи етарли. Дарсдан чарчаб қайтсам, мени интизорлик билан кутаятган божоларни кўриб, чарчоқларим ёзилди. Қўл жангидан дарс бериб, тажрибам ошди. Улар билан ишлаш жараёнида баъзан қийинчиликларга дуч келаман. Ўзингиз яхши биласиз, болаларнинг бири қайсар бўлса, бири инжиқ. Баъзилари машғулотларни тез ўзлаштириб, сиздан янги жаңг усулларини кўтади. Болалар билан ўтган вақтимга ҳеч қачон афсусланмайман.

– Гулираъно, ҳеч ким ондан туғма истеъдод билан яралмайди. Уни ҳимоят ва замон руҳи тарбиялади. Сиз таҳсил олаётган коллеждаги ўқиш тизими, шароитлар, ус-

қолса, доим қўлимдан келганча ҳаракат қилиб, мақтанимиз шаънини ҳимоя қилишга астойдил курашганман. Шунинг учун мактабдаги кенг имконият ҳозир ҳам мен учун муҳим йўл бўлиб келмоқда десам янглишмайман.

– Гулираъно, келажакда, ҳали дилингнигизга ниҳол бўлиб илдиз отайтган орзуларингиз билан ўртоқласан.

– (Ўйланиб) Орзуларим қўп... Биринчи навбатда коллежми муваффақиётли туғатиб, Тош-ДавТДА ўқишни давом эттириш, қучли жарроҳ бўлиб, инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, иккинчи ниятим спортнинг қўл жанги бўйича мустақил юртимизнинг байроғини юқори кўтариб, унинг довуруғини жаҳонга ёйиш.

Намоз ТОЛИПОВ  
сўхбатлашди.  
Асен НУРАТДИНОВ  
олган суратлар.

# ИСТИҚБОЛЛИ КЕПАЖАК САРИ

(Давоми. Боши 3-бетда).

— Ушбу давр ичида меҳнат муҳофазаси бўйича қандай ишлар қилинди?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касабга уюшмаларининг муҳим йўналишларидан бири меҳнат хавфсизлигидир. Меҳнат қонунчилигининг ажралмас қисми сифатида меҳнатни муҳофазга қилишга доир мазкур масалалар юзасидан Меҳнат кодексининг 9-моддасига асосан 2000-2004 йиллар давомида касабга уюшма ташкилотлари ҳамда уларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар томонидан меҳнат ҳақидаги қонунлар ва атроф-муҳит муҳофазаси қоида маъёрига риоя этилиши бўйича 1023 муассасаларда текшириш ўтказилиб, 13600 та қонун ва қоидалар бузилишлари аниқланди, уларни қонун ва қоида талабларига келтириш учун иш бевуричларга ёзма кўрсатмалар бе-

оғир тан жароҳати олган, 15 таси эса ҳаётдан кўз юмган. — Озода Анваровна, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасидаги дастур асосида амалга оширган ишларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Жуда ўринли савол бўлди. Дарҳақиқат, тармоқ ходимларининг маданий савиясини ошириш, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ривожлантириш юзасидан бир мунча ишларни бажардик, яъни барча тиббиёт муассасаларининг жамоа шартномаларига маданий ва соғломлаштириш тадбирлари киритилди ҳамда уларнинг бажарилиши таъминланди. Шунингдек, «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури асосидан келиб чиқиб, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муайян натижаларга эришилди. Ходимлар ва талабалар ўрта-



рилли. Текширув давомида 415 та дастурлар ва 23 та бўлимлар меҳнатни муҳофазга қилиш қоидаларига риоя этмаганлиги сабабли улардан фойдаланиш таъқиқланди ҳамда 32 нафар иш бевуричларга маъмурий жавобгарлик кодексига асосан жазима солинди.

Давлатимиз меҳнатни муҳофазга қилишни бошқариш учун 1993 йил 6 майда «Меҳнатни муҳофазга қилиш тўғрисида»ги Қонунни тасдиқлаб, унга ҳамма табақда да риоя қилиниши кўрсатилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Меҳнатни муҳофазга қилиш бўлими Низомини» ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшма Марказий Кенгаши билан келишган ҳолда вазирликнинг 1994 йил 7 ноябрдаги 504-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҳамда шу бўлимининг ташкил қилиш тўғрисида 1999 йилнинг 2 декабрдаги 708-буйруқ қабул қилинишига қарамадан Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигида, Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарь вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис лавозимлари жорий этилган. Натижада бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар кўрилмагани оқибатида 2000-2004 йиллар давомида содир бўлган 27 та бахтсиз ҳодисадан 36 нафар ходим жароҳатланган, шулардан 21 нафар ходим

сида спортнинг бир неча турлари бўйича тармоқ спартакиадалари ва спорт мусобақалари ўтказилди. Миллий спорт уйинларини кенг ташвиқот қилиш бўйича тармоқ ходимлари республика миқёсида ўтказилган спортнинг барча турларида фаол иштирок этмоқдалар.

Хабарингиз борки, ҳар йили «Универсиада» спорт мусобақалари ўтказиб келинади. Уни ўтказишдан асосий мақсад, ёшлар спортини ривожлантириш ва улар соғлигини янада мустаҳкамлашдан иборат. Тармоқ тизимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги 2000-2005 йилларга қабул қилинган дастур асосида амалга оширилди. Айниқса, ёшларимиз, талабаларимиз «Универсиада» спорт мусобақаларида фаол катнашиб фахрли ўринлар эгаллаши бизни қувонтиради.

— Келгусидаги режалар... — Режаларимиз ниҳоятда улкан. Асосий мақсадимиз касабга уюшма характери бирлигини мустаҳкамлаш, ходимларнинг иқтисодий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари самарадорлигини юқори босқичга кўтариш ҳамда касабга уюшмалари етакчилари олдига янги замон талабларини қўйишдан иборат. Шунингдек, «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури асосида ўз режаларимизни ишлаб чиқиб, эндиликда уни ўз вақтида бажарилишини доимий таъминлаб борамиз.

Субҳатдош: Ибодат СОАТОВА.

## Долзарб мавзу

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЙОД ЕТИШМОВЧИЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

*Йод етишмовчилиги ҳолати бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимининг катта муаммоларидан биридир. Дунё аҳолисининг 1,5 миллиардга яқини йод етишмовчилиги мавжуд зоналарда истиқомат қилади. Шулардан 43 миллион одамларда ақлий ва жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши, шу жумладан 11 миллион аҳолида кретинизм касаллиги, 760 миллион аҳолида бўқоқ касаллиги борлиги аниқланди.*

Бу ҳолатнинг асоратларида бўқоқ, ақлий ривожланишда орқада қолишнинг қайтмас ҳолати ва болалар ўртасида ўлим ҳодисаларининг кўпайиши мутасаммалган. Бир кунлик қабул қилиниши лозим бўлган йод миқдори инсоннинг ёшга боглиқ. АҚШда йоднинг ўртача қабул қилинадиган миқдори 250 мкг/кунга ва бу миқдор 500 мкг/кунга етиши мумкин. Европа мамлакатларида, болаларда қалқонсимон безнинг ҳажми ва пешобдаги йод миқдорининг бир-бирига боглиқлиги асосида текширилади. Бу текширувда кунлик йод миқдори 10 мкг/л кам бўлса, болаларда бўқоқ ривожланиши кузатилади.

Кимёвий элемент йод, қалқонсимон без гормонлари ишлаб чиқарилиши учун кераклидир. Қалқонсимон без ўзининг икки гормони тироксин ва трийодтиронини ишлаб чиқариб, барча модда алмасинувида ва терморегуляцияда катнашади. Қалқонсимон без гормонларини ишлаб чиқариш — синтез қилиш учун бир кунда 100-150 мкг йод керак бўлади. Йод организмга органик ва органик бўлмаган бирикмалар кўринишида овқатлар, сув ва ҳаво билан тушади. Организмда йод мувозанати маҳаллий демографик шароитларга қараб кескин ўзгариб туради.

Аҳолини йод билан таъминлаш программасининг технологияси ва методлари нисбатан оддийдир, лекин бу программанинг натижаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш анча мураккабдир.

Қадимдан маълумки, Ўзбекистон эндемик бўқоқ ўқларига қаторига кирилади. Абу Али ибн Сино асарларида ҳозирги Ўзбекистон ерларида бўқоқ касаллиги борлиги жуда эрта қайд қилинган. Ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» китобида бўқоқ аллома бўқоқ касаллигини яхши билгани ва у ўзининг тиббиётдаги амалиётида учратгани ҳақида бохабар бўлиш мумкин. Фарғона водийси Ўзбекистон эндемик бўқоқ ўқлари маркази ҳисобланган ва у ерда касаллик жуда юқори даражада кўп тарқалган эди.

Бинобарин, амалиёт шуни кўрсатадики ушбу муаммага бўлган эътиборнинг ҳолати йод етишмовчилиги ҳолатлари кескин суратда ривожланишига олиб келади. Ўзбекистонда сўнгги йил мобайнида янги йодлаш профилактикасининг ўтказилмаслиги оқибатида йод етишмовчилиги билан боглиқ бўлган хасталикларнинг кескин суратда кўпайишига сабаб бўлди. Бу ҳолат институтизмиз ходимлари томонидан 1998 йилда олиб борилган эпидемиологик изланишлар натижалари билан тасдиқланди. Ҳар йил республика бўйича эндемик бўқоқнинг тарқалиши 65 фоизни ташкил этди, чунончи ундан ҳам юқори кўрсаткичли воқалар кузатилади. Аҳоли ўртасида йод етишмовчилиги ҳолатининг бундай кескин суратда кўпайиши ош тузи тарқибига йоднинг йўқлиги ва бунинг оқибатида йоднинг одам организмига паст миқдорда овқат орқали кириши билан изоҳланади. Бу ҳолат йоднинг сийдик билан чиқилиши пастлиги (10 мкг/л) билан тасдиқланади. Экспедиция ишларида MERCK фирмаси (Германия) хомийлик қилди.

Бу муаммоларни ҳал қилишда БЖССТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ҳам катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ташкилот томонидан республикамизда ош тузунинг йодловчи 20 та қурилма, 25 тонна калий йодати, туз ва пешоб тарқибига йодни аниқловчи 230 та лаборатория олиб қирилди. Шунга қарамадан ош тузунинг йодлаш жараёнида сусткашлик кузатилмади. 2004 йилда олиб борилган изланишлар жами истеъмол қилинаётган ош тузунинг бор-йўғи 38,4 фоизига йодланганлиги аниқланди ва бунинг оқибатида эндемик бўқоқ сонининг кўпайиши давом этмоқда. Зеро, ИЕХНИ бартафар этиш ва уни мониторинг қилиш ишлари доимий суратда олиб борилиши ва муҳим аҳамият касб этиши лозим. Институтизмиз илмий фаолиятида ҳам қалқонсимон безнинг физиологияси ва хасталикларини ўрганиш муаммолари бүгунги кунда ҳам «анъанавий» биринчи ўринда ҳисобланади. Охириги йилларда аутоиммун тиреодит, диффуз-токсик бўқоқ, гипотиреоз, ним ўткир тиреодит, қалқонсимон беzi саратони каби хасталикларни янги даволаш усуллари бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Касалликларни консерватив ва жуврохлик даволаш усуллари чуқур ўрганилган. Институтизмизда криоконсервация (ўта паст ҳароратда сақлаш) қилинган қалқонсимон беzi, буйрак уст беzi тўқималарининг парақалқонсимон безининг банки ташкил этилган ва сақланган безларни трансплантация қилиш йўллари, дори-дармонларни лимфотроп йўли билан юбориш каби изланишлар олиб борилмоқда.

1987-90 йилларда институтизмизда республикамизнинг 11 та минтақасида 90 мингга яқин 1 ёшдан 17 ёшгача болалар ва ўсмирларни кўриб чиқишди. Бўқоқ эндемияси умуман енгил бўлиб, катта бўқоқлар жуда кам ва умуман тугатилган эди. Охириги 15 йил давомида республикамизга йодланган туз олиб келинмагани, ўзимиздаги туз конлари ишлаб чиқарган тузда йод бўлмаганлиги учун бўқоқ касаллиги жуда кўпайганини натижасида ташвишли ҳолат юзга келди. Йод етишмаслиги билан боглиқ бўлган касалликлар, «йод етишмаслиги бузилишлари» деб номланган бир қатор ўзгаришларни ўзига қамраб ола-

ди. Бунга бола ташлаш, ўлик туғилиши, туғма нуқсонлар, ақлий етишмаслик, гилайлик, кретинизм, янги туғилган чақоқлар ўлими кўп бўлиши, перинатал ўлим, жисмоний етишмовчилик, пақаналик киради. Катталарда — бўқоқнинг асоратлари, гипотиреоз, ақлий етишмовчилик каби хасталиклар билан кечади. Бундан ташқари, йод етишмаслиги бўлган ҳудудларда қалқонсимон без саратони, айниқса, қалқонсимон без хавфи тур саратони; папиллар ва анапластик саратони кўп учрамоқда.

Организмда йодга физиологик муқтожлик илмий асосланган, ўсмирлар ва катталар ҳар кун 150 мкг/с, 0,5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар — 50-120 мкг/с, янги туғилган чақоқлар (0-6 ойлик) — 40 мкг/кг/с. Истеъмол қилишлари керак. БЖССТ экспертилари кўрсатиши бўйича, ҳар кун 150-300 мкг/с йодни организмга киришини таъминловчи тузунинг йодлаш аҳолининг барча гуруҳлари учун уларнинг йод миқомига қарамай хавфсиздир. Ўзбекистонда йод етишмовчилиги касалликларининг ҳозирги аҳолини ўрганиши учун 1998 йилда Эндокринология институти ходимлари мамлакатимизнинг турли минтақаларида эпидемиологик текшириш ўтказилди. Аҳолининг турли гуруҳлари: богча болалари, мактаб ўқувчилари, катталар (18-45 ёш), ҳомилдор аёллар, эмизикли аёллар текширилди. Йод етишмовчилиги ҳолатларини аниқлашда асосий кўрсаткичлар: бўқоқ катталиги даражаси (пайпаслаш, УЗИ), қалқонсимон без фаолияти, пешобада йодни аниқлаш, қонда қалқонсимон ва гипотиреоз безларнинг гормонлари пайдо бўлди. Йод етишмовчилиги касалликлари даражасини аниқлаш учун Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертилари ишлаб чиққан кўрсаткичлардан фойдаланилади.


Ўзбекистонда йод етишмаслиги касалликлари бу йилдаги натижалар бўйича оғир даражада бўлиб, уни тугатиш учун тезкор тадбирлар ўтказиш лозимдир. Энг аввало барча аҳолини йодланган туз билан таъминлаш керак. Ҳозирги вақтда тузунинг йодлаш учун калий йодат ишлатиш тавсия қилинади, чунки бу бирикма анча барқарор, уни қоғоз халтага солиш, тарқатиш қийинчилик туғдирмайди. Муаммони ҳал қилишда биринчи бўлиб мутахассислар мавжудлиги муҳим ҳисобланади. Бинобарин, асосий вазифарлардан бири бу ёш, истеъдодли кадрларни тайёрлаш масаласи саналади. Ўзбекистонда йод етишмаслиги ҳолатларини йўқотиш учун бир қатор чораларни кўриш керак. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида йодланмаган ош тузунинг олиб келиши ва сотишни таъқиқлаш лозимдир.

Саид ИСМОИЛОВ, профессор, УзР ССВ Эндокринология институти.

## 1 апрель — Бутунжаҳон кулги кун



Дилдан қувнаб қулганга нима етсин.



Режа учун шофёрларда ҳаёт-мамонт,  
Бир-бирини янчиб ўтай дейди — хайхот!  
Автобуста йўловчилар титрагай зир,  
Бу «жангҳода» ип эшолмас — «Формула-1»!

Рассом  
Ж. МИРЗААЛИЕВ.



— Пойафзалим ҳолига,  
Ич-этим қўяман еб.  
Айтган эдим эримга,  
Хитойникин олманг деб.

Огримаган бошимни,  
Бориб урай қайққа.  
Пулим қандай етказай,  
Йигирма жуфт оёққа?!



Врач имел привычку, принима  
мая больного, все время гово  
рить «Мы».

— У нас болит живот, и нам  
очень плохо. Кроме того, мы  
чихаем. Что же мы должны бу  
дем сейчас сделать?

— Я думаю, — заметил боль  
ной, — что нам с вами вместе  
лучше всего пойти к другому  
врачу.

— Знаете, — заявляет врач па  
циенту, — вам необходимо лечь  
на операцию.

— Никогда, доктор, я лучше  
умру!

— Как хотите. Одно другого  
не исключает. ...

Больной:  
— У меня живот болит.

Хирург:  
— Надо уши отрезать.

Мужчина в ужасе прибегае  
т к терапевту:

— У меня болит живот. Ходил  
к хирургу, он сказал — уши от  
резать надо.

— Ох, уж эти хирурги, — про  
ворчал терапевт, — все им надо  
отрезать. На вот тебе таблетки  
— сами отвалятся.

Доктор слушает пациента и  
приговаривает:

— Хорошо, хорошо...

— Доктор, а что хорошего  
то?

— Хорошо, что у меня такого  
нет!

FIZIOTERAPIYA VA  
TIBBIY  
REABILITATSIYA

## Китоб жавонингизга

Ul'xo'jayeva K. E., Xudoyberganova B. T.

Fizioterapiya va tibbiy reabilitatsiya: Tibbiyot kollejlari uchun o'quv qo'llanma.  
K. E. Ul'xo'jayeva, B. T. Xudoyberganova: O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta  
maxsus ta'lim vazirligi; O'rta maxsus kasb-hunar ta'limi markazi; O'zbekiston  
Sog'liqni saqlash vazirligi; Oliy va o'rta tibbiy ta'lim bo'yicha o'quv uslubiy idorasi.  
— T., «Ilm Ziyos», 2004. — 320 b.

Ushbu darslik o'n bobdan iborat bo'lib, unda fizioterapiya ishini tashkil etish, elektr,  
ultratovush, yorug'lik va suv, issiqlik va ingalatsiya bilan davolash, davolash fizikulturasini,  
massaj, refleksoterapiya, sanatoriya va kurortlarda davolash, fizioprofilaktika, fizioterapevtik  
davolashda qo'llaniladigan apparatlar, muolajalarni bajarish qoidalarini, shuningdek muolajalarni  
bajarishda hamshiraning vazifalari haqidagi mavzular yoritilgan, har bir bob oxirida bilimni  
tekshirish uchun nazariy savollar, testlar hamda vaziyatli masalalar yuzasidan savollari  
keltirilgan.

Darslik tibbiyot hamshiralari uchun mo'ljallangan bo'lsa-da, undan tibbiyot oliy o'quv  
yurtlari talabalari ham foydalanishlari mumkin.


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий  
фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2005 йил январь ва  
февраль ойларида ўтказилган 1-2-сонли мажлис Қарорлари

## 2005 йил 24 январдаги 1-сон мажлис Қарори:

Корхона номи, манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган сана
«OPTIMUS PLUS» МЧЖ Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал мавзеси 60-сонли болалар боғчаси худудида	3520-тиб.	2003 йил 30 сентябрда	2005 йил 24 январдан 3 ой муддатга тўхтатилди.
«Авлиё Ал-шифо» фирмаси, Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Ахшак к.ф.й	3529-тиб.	2003 йил 30 сентябрда	2005 йил 24 январдан 6 ой муддатга тўхтатилди.
«AN-NAJOT» МЧЖ Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Ниязов кўчаси, 6-уй.	2166-тиб.	2000 йил 21 апрелда	2005 йил 24 январдан 3 ой муддатга тўхтатилди.

## 2005 йил 24 февралдаги 2-сон мажлис Қарори:

Корхона номи, манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензияси бекор қилинган сана
«DENTAMIR» МЧЖ Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал кўчаси, 12-уй, 65-а хонадон.	2729-тиб.	2001 йил 1 ноябрда	2005 йил 24 февралдан
Корхона номи, манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиясининг амал қилиши тикланган сана
«OPTIMUS PLUS» МЧЖ Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал мавзеси, 60-сонли болалар боғчаси худудида	3520-тиб.	2003 йил 30 сентябрда	2005 йил 24 февралдан
«Авлиё Ал-шифо» фирмаси, Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Ахшак к.ф.й.	3529-тиб.	2003 йил 30 сентябрда	2005 йил 24 февралдан
Корхона номи, манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиясининг амал қилиши туғатилган сана
«Санамой» гинекологик хусусий шифохонаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Орзу кўчаси, 5-уй.	3412-тиб.	2003 йил 2 июнда	2005 йил 24 февралдан
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси «Тиббий марказ» шўба корхонаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ўзбекистон кўчаси, 9-уй.	3120-тиб.	2002 йил 18 октябрда	2005 йил 24 февралдан
«DILSHOD-DENTA» хусусий фирмасининг 1,2,3-филиллари	1-филиали: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Мед. городок, 3-уй, 45-хонадон, 2-филиали: М. Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 43-а уй, 3-филиали: М. Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 41-уй, 31-хонадон.	1-филиалига 14.03.2000 йилда, 2-филиалига 14.03.2000 йилда, 3-филиалига 02.06.2003 йилда берилган.	2005 йил 24 февралдан



## Gazeta muassisi:

O'zbekiston  
Respublikasi  
Sog'liqni saqlash  
vazirligi

Bosh muharrir:  
Po'lat MIRPO'LATOV.  
Ijrochi muharrir:  
Ibodat SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zosi: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari),  
B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAYEV,  
M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari),  
B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV,  
X. RABVANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, M. TURUMBETOVA,  
N. TOLPOV, A. URAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV.

Manzillimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks:  
133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot  
agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211.  
Adadi 13.220 nusxa. O'zbek va rus tilida chop etiladi.  
Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda O'zbekistonda  
sog'liqni saqlashdan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma F-255.

Gazeta «SHARO» nashriyot-mathaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi tomonidan chop etiladi.  
Korxonani manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq.  
Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.  
E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalilning to'g'ri rili ushbu reklama va e'lon  
beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.  
Boshqaruvchi: Boshqaruvchi topshirish vaqti 19.00.